*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

▲ № 13 (5874).

19 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

## Л. И. БРЕЖНЕВ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИДА БЎЛДИ

Л. И. Брежнев 17 январь тушдан кейин Тулада-ги энг катта машинасозлик заводида бўлди.

Корхона директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Сабинин Леонид Ильич Брежневни корхона билан ва завод ишлаб чиқараётган энг яхши маҳсулот намуналари билан таништирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев механика цехида бўлди. Бу ерда ишчилар уни самимий ва шодиёна кутиб олдилар. Л. И. Брежнев улар билан қилган суҳбати вақтида ишлаб чиқариш жараёнининг қандай ташкил этилганлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш йўллари билан, иш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш суръатлари, турмуш ва дам олиш шароитлари билан қизиқди.

Токарь С. И. Лялин Л. И. Брежневга ишчилар маҳсулотнинг сифатини ошириш учун қандай курашаётганликлари тўғрисида гапириб берди. Ҳозирги вақтда завод 11 хил буюмни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқда, беш йиллик мобайнида олий сифатли буюмлар салмоги яна қарийб 10 процент кўпайтирилади. Корхонада «Тула маҳсулоти — сифатли маҳсулот» деган шиор остида мусобақа кучайиб кетди.

(Давоми иккинчи бетда).

# ТУЛА ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

## *ШАҲАРГА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС*

Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист қўшинларини Москва яқинида тормор этишда муҳим роль ўйнаган шаҳарнинг қаҳрамонона мудофааси пайтида Тула ҳимоячилари кўрсатган мардлик ва матонат учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Тула шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилди.

Тула диёрида — катта байрам. Қаҳрамон шаҳарга «Олтин Юлдуз» медалини топшириш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев келди.

18 январь куни М. Горький номли драма театри биносида шаҳарга «Олтин Юлдуз» медали топширилишига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Залда партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, саноат корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг илғорлари, ижодкор зиёлилар, шаҳарни немис-фашист боскинчиларидан мудофаа килишнинг актив катнашчилари, Совет армиясининг жангчилари, жуда кўп меҳмонлар ўтиришибди.

Зал — байрам либосида. Қизил алвон фонида Владимир Ильич Ленин портрети турибди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Ўртоқ Л. И. Брежневни ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети, улуғ совет халқи шарафига табрик хитоблари янгради.

КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари И. Х. Юнак, область ижроия комитетининг раиси Н. Т. Синегубов, КПСС область ва шаҳар комитетларининг бюро аъзолари, Москва ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник В. Л. Говоров, Москва ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси, сиёсий бошқарма бошлиги генерал-полковник К. С. Грушевой, саноат ва кишлоқ хўжалигининг донгдор кишилари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, қаҳрамон шаҳарлар делегацияларининг раҳбарлари: Москвадан — КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Н. Макеев, Ленинграддан — КПСС шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, Волгограддан — КПСС шаҳар комитетининг биринчи секретари В. С. Карпов, Севастополдан — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. С. Макаренко, Одессадан — шаҳар ижроия комитетининг раиси В. М. Сурков, Киевдан — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. П. Ботвин, Минскдан — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. Лепешкин, Новороссийскдан — КПСС шаҳар комитетининг биринчи секретари Э. Н. Поляков, Керчьдан—шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. А. Чистов, Брест қалъасидан—шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. П. Самович, Тула билан мусобақадош Калуга ва Рязань шаҳарлари делегацияларининг раҳбарлари: КПСС Калуга шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. С. Чичкин ва КПСС Рязань шаҳар комитетининг биринчи секретари В. П. Попов президиумга чиқиб ўтирадилар.

Тантанали мажлисни шаҳар ижроия комитетининг раиси Л. Н. Дагаев очди. Бугун тулаликлар, деди у, гоят хурсандирлар. Биз юксак мукофотни — «Олтин Юлдуз» медалини топширмоқ учун атоқли партия ва давлат арбоби, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун толмас курашчи, бутун совет халқи сингари тулаликлар учун ҳам гоят севимли инсон, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Брежнев шаҳримизга келганлигидан беҳад бахтиёрмиз.

Л. Н. Дагаев тантанали мажлис қатнашчилари номидан, барча меҳнаткашлар номидан Леонид Ильич Брежневни, тантаналарда қатнашмоқ учун Тулага келган жуда кўп меҳмонларни қизғин ва самимий табриклади.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Областнинг донгдор меҳнатчилари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари мажлис иштирокчиларининг қарсаклари остида Тула области, Тула шаҳри байроқларини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Кизил байроғини, Тула мудофааси пайтида ўзларини сўнмас шуҳратга чулгаган бўлинмалар — Тула ишчилар полки, 732-зенит артиллерия полки, ички ишлар халқ комиссариатининг 156-полки жанговар байроқларини олиб кирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади. Ҳамма ўрнидан туради. Зал гумбазлари остида бошланган гулдурос қарсаклар узоқ давом этади.

Л. И. Брежнев қаҳрамон шаҳар Тула байроғига «Олтин Юлдуз» медалини қадаб қўймоқда.
ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

## Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Улуғ Ватан уруши йиллари ийроқлашиб боргани сари ана шу унутилмас йиллардаги қаҳрамонона зафарларнинг улуғворлиги ва аҳамиятини чуқуррок англаймиз. Биз бугун қаҳрамон шаҳар Тулани шарафламоқдамиз. Бу шаҳарнинг буюк жасорати Ватаннинг энг юксак мукофоти билан тақдирланди.

Уруш иштирокчиси бўлганим учун шу тантанали кунда сизлар билан бирга бўлишимдан, байрам кайфиятини сизлар билан баҳам кўришимдан жуда хурсандман.

Шонли шаҳрингиз гражданларини — эркаклар ва хотин-қизларни, ҳар қандай ёш ва касбдаги кишиларни юксак мукофот билан чин кўнгилдан табриклайман.

Сизларни номлари уруш вақтининг асло унутилмас воқеалари билан мангу боғланган қаҳрамон шаҳарлар табрикламоқда ва қутламоқда. Москва. Ленинград ва Волгоград Севастополь ва Одесса, Киев ва Минск. Новороссийск, Керчь ва Брест қалъаси Тулани ўзининг шонли, қаҳрамон оиласига қабул килмоқ учун ўз вакилларини ҳузурингизга юбордилар.

Сизларни даҳшатли уруш йилларининг ветеранлари, жангларнинг иштирокчилари ва фронт орқасидаги меҳнаткашлар табрикламоқдалар ва қутламоқдалар. Улар ғалаба қозониш учун ҳамма ишни қилдилар.

Ҳозирги кунда барча совет кишилари қувончингизни, фахр-ифтихорингизни сизлар билан баҳам кўрмоқдалар.

Шундай ажойиб кунларда замонларнинг бир-бири билан боғланганлиги жуда яққол кўриниб турибди. Дарҳақиқат, бизнинг ҳозирги ҳаётимиз аввалги авлодлар вужудга келтирган, курашиб қўлга киритган ва ҳимоя қилган нарсаларга таянади.

Сизнинг шаҳрингиз мамлакатдаги кадимий шаҳарлардан биридир. Тула асрлар мобайнида рус давлатининг калкони ва аслаҳахонаси бўлиб келди. Ана шу қадимий диёрларда рус кишисининг — толмас ходим ва моҳир уста Ватаннинг сабот-матонатли ҳимоячиси. бахтли келажак учун жасур курашчининг характери тобланди.

Тула — бой революцион ва жанговар анъаналар шаҳридир. Рус пролетарияти жанговар отрядларининг бири бу ерда олиб борилган синфий жангларда таркиб топди ва чиниқди. Бу шаҳар революция ва гражданлар уруши йилларида Қизил Армия учун қурол-яроглар тайёрлаб берди. Деникин қўшинларининг ҳужуми Тула остоналарида тўхтатилди. В. И. Ленин ўшанда бундай деб ёзган эди: «Ҳозирги пайтда Тула гоят муҳим аҳамиятга эгадир ва умуман, хатто душман яқин жойда турганлигига қарамай республика учун Туланинг аҳамияти жуда катта». Биз ҳозирги кунда ҳам Тула ишчилари Ленининг ана шу юксак баҳосига ҳамиша муносиб бўлдилар, деб тўла асос билан айта оламиз.

1941 йил куз фаслининг фожиали кунларида гитлерчилар қўмондонлиги Москвани қўлга олиш учун ҳамма нарсасини тикди, Тула бу сафар ҳам душманнинг йўлини тўсган енгилмас, қудратли қалъа бўлиб қолди.

Фашистлар Тулани ишғол қилмоқчи ва жанубдан пойтахтга силжиб бормоқчи бўлган эдилар. Улар ўз мақсадимизга осонгина эришамиз. деб ўйлаган эдилар. Ўша пайтда Гудериан қўл остидаги танк дивизиялари каршисида совет қўшинларининг ўирик қисмлари ўй эди. Аммо Тулани ҳимоя қилмоқ учун армия қисмлари билан биргаликда шаҳар аҳолиси ва унинг атроф-теварагида яшовчи аҳоли курашга отланди. Душман ҳатто шаҳарни қуршов ичига олай деб қолган пайтда ҳам тулаликлар қўркмадилар ва саросимага тушмадилар. Милтиқсозлар ва патрон ясовчилар. шахтерлар ва металлурглар ўлимни назар-писанд қилмадилар. Туланинг шонли ишчилар полки кирк биринчи йилнинг оловли марраларидаги қураши билан кишилар ҳотирасида абадий сакланиб қолди.

Коммунистлар. Тула партия ташкилоти қаҳрамонона мудофаанинг юраги бўлди. Шаҳар партия активининг 1941 йил 16 октябрда ўтказилган йиғилиши шаҳарни душман қўлига топширмаймиз. деган қарорни қабул қилди. Бу ҳужжатни ҳаяжонланмай ўқиш мумкин эмас. «Тула. қизиллар аслаҳахонаси. шонли милтиқсозлар шаҳри. металлистлар шаҳри — дейилган эди актив йиғилишининг қарорида. — ҳеч қачон немис бандитларининг жирканч панжаларига тушмайди. Биз, Тула большевиклари. ВКП(б) Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки. хаммамиз бир ёқадан бош чиқариб қўлга қурол олиб. Ватанимиз учун. севикли шаҳримиз учун бир томчи қонимиз колгунча жанг қиламиз ва Тулани ҳеч қачон душман қўлига топширмаймиз». Тулаликлар ўз касамларининг устидан чиқдилар.

Қирқ минг партия аъзосидан 32 минг киши қўлига қурол олиб жанг қилди. Коммунистлар халқни мудофаа иншоотларини куришга отлантирдилар. Улар қамал ичидаги шаҳарда намунали революцион тартибни сақлаш учун ҳамма чораларни кўрдилар. мудофаа маҳсулоти ишлаб чиқариш тўхтовсиз давом этди.

Ленин комсомолининг ўғил ва қизлари коммунистлар билан бир ёқадан бош чиқариб душманга қарши курашдилар.

Тула жангга бардош берди. Тула ғалаба қозонди.

Мен Тула мудофаасининг шу ерда ҳозир бўлган ташкилотчиларини — шаҳар мудофаа комитетининг раиси, область партия комитетининг биринчи секретари Василий Гаврилович Жаворонковни, область ижроия комитетининг раиси Николай Иванович Чмутовни, қисмларнинг командирлари Анатолий Петрович Горшков, Михаил Трофимович Бондаренко, Степан Федорович Зубковларни зўр мамнуният билан қутлайман.

Бугун бу залда ишчи полкининг собиқ жангчилари Никита Павлович Зубанков, Алексей Николаевич Тереховкин. Всеволод Сергеевич Строков ва бошқалар ўтирибди. Бу ерда собиқ солдатлар, партизанлар. Тула заводларининг ишчилари, фронт шаҳрида душман ўти остида ғалаба қуролини тайёрлаган кишилар ўтиришибди.

Азиз дўстлар, сизлар кимларни муҳофаза ва ҳимоя қилиб қолган бўлсангиз, ҳаммаларининг иззат-ҳурматини қабул қилгайсиз.

Кўпдан-кўп кишилар жанг майдонидан қайтиб келмади. Улар ҳаёт учун, Ватан учун ҳалок бўлдилар.

Ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотирасини ўрнингиздан туриб ҳурматлаб эсга олишни илтимос қиламан. (**Ҳамма ўрнидан туради**).

Ўртоқлар! Ўтган урушнинг сабоқлари бизни ҳушёр бўлишга чорлайди. Дарҳақиқат. фашизм енгилди. Лекин фашистлар ва фашизмга тарафдор бўлган режимлар ҳали бор. Баъзи бировлар хануз реваншни ҳаёл қилмоқдалар. Агрессив кучлар мавжуддир. Бу кучлар ҳаракат қилмоқдалар. Буни эсдан чиқариш ярамайди.

Кеча мен Ясная поляна да бўлдим. Ясная поляна ҳар бир маданиятли киши учун табаррук жойдир. Лев Толстой тасвирлаган ҳаёт ўтиб кетди, аммо унинг асарлари мангу яшайди. чунки у доҳиёна акс эттирган ақл ва қалб ҳаракати ўткинчи бир нарса бўлмай, мангу давом этади.

Улуғ ёзувчи Ясная поляна да бизни ҳам тўлқинлантираётган проблемалар устида — уруш ва тинчлик проблемалари устида кўп фикр юритди. Толстой ғояларининг ҳаммаси ҳам давримизга ҳамоҳанг. деб бўлмайди. Аммо Толстой ёзган буюк романдаги асосий фикр, яъни пировард натижада халқ, омма тарихнинг туб масалаларини ҳал этади. давлатларнинг тақдирини ва урушларнинг оқибатини белгилаб беради, деган фикр. — ана шу сермазмун фикр ҳамма вақтлардагидек ҳозирги кунда ҳам тўғри фикрдир. Биз урушнинг оғир йилларини эсга олиб. курашчи халқни, ғолиб халқни. урушдан кейинги ўттиз йил мобайнида ўз Ватанини яшнаб турган қудратли давлатга айлантиркан халқни эзозлаймиз.

Кўпинча вақт жуда тез ўтиб кетади, дейдилар. Ҳа, худди шундай. Ҳеч нарса содир бўлмаган жойдагина вақт секин ўтади. Бизда ниналар қилинаётганлигига бир назар солинг: ҳамма жойда қурилиш, ҳамма жойда — иш, ҳамма жойда — тўхтовсиз, олға шитоб билан ҳаракат қилиб борилмоқда.

Ўнинчи беш йиллик дадил қадамлар билан бошланди. 1976 йилда бизнинг бутун тарихимизда энг юксак ҳосил — 224 миллион тонна дон олинди. Саноат маҳсулоти мўлжалланган 4,3 процент ўрнига 4,8 процент кўпайди. Пландан ташқари 6 миллиард сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти реализация қилинди. Бир йил ичида аҳолининг реал даромадлари 3.7 процент ортди. Хуллас. КПСС XXV съезди белгилаб берган хўжалик ва маданий қурилишнинг катта, жозибадор программаси амалга оширилмоқда.

Тўлаликлар. сизлар ҳам бу программани муваффақиятли бажармоқдасиз. Ҳозирги Тула — йирик индустриал ва маданий марказдир. Бу ерда муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. энг янги машиналар. ускуналар. аниқ ишлайдиган приборлар вужудга келтирилмоқда. Тула ишчилари, техниклари. инженерлари, Тула зиёлилари коммунистик қурилиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Мен беш йиллик биринчи йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганлигингизни ва шаҳар саноати иландан ташқари қарийб 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Саноат маҳсулотининг ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилганлиги муҳимдир.

Олдинги сафда борувчилар орасида «Тулачермет» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси. «Штамп», «Прибой» заводлари. Косая гора металлургия заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари бор. Улар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш. маҳсулот сифатини назорат қилишнинг комплекс системаларини жорий этиш. бутун хўжалик фаолиятининг самарадорлигинч ошириш сохасида қунт билан иш олиб бормоқдалар.

Мен кеча кечқурун машинасозлик заводида бўлдим.

Бу заводнинг коллективи жуда яхши таассурот қолдирди. Завод маҳсулотнинг 63 процентини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқда. Юз процент деган кўрсаткич ҳам бор. албатта. Аммо эришилган натижалар ҳам яхши. жуда соз.

Заводнинг кекса. тажрибали ишчилари Тулага «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилганлигини эшитиб, яқинда тулаликларнинг ҳамасига мурожаат қилдилар ва уларни Тулани юксак ишлаб чиқариш самарадорлиги шаҳрига, намунали маданият ва турмуш шаҳрига айлантиришга даъват этдилар. Бу ташаббусни чин кўнгилдан қўллаб-қувватлашни истайман.

Ҳозир янги йилнинг дастлабки ҳафталарида яхши ташаббус—ишнинг ярми эканлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ҳар куни мунтазам равишда ишлаш лозим. Бу гап ҳақли суратда самарадорлик ва сифат беш йиллиги деб аталган беш йилликка жуда ҳам тааллуқлидир. Пландаштирилган миқдор даражасига чиқиб олиш учун сўнгги пайтда «зўр бериб ишлаш» мумкин. Аммо янги сифат даражасига чиқиб олиш учун, самарадорликни анча ошириш учун ана шундай қисқа муддатли зўр беришлар сира ҳам кифоя эмас. Ҳар куни мунтазам равишда ишлаш лозим. Бу гап Тулагагина эмас, барча корхоналаримизга, экономиканинг барча тармоқларига, шаҳар ва қишлоқдаги барча меҳнат коллективларига тааллуқли, албатта.

Тула ишчиси ҳамиша ўз маҳорати билан, ўз маҳсулотининг сифати билан ном чиқариб келди. Лесков Тула мастеровойини ўзининг машҳур «Левша» («Чапақай») ҳикоясининг қаҳрамони қилиб олганлиги бежиз эмас. Ўртоқлар, шунга эътибор берингки, Левша буюк маҳоратга эга бўлибгина қолмай, ўз санъати учун, биз ҳозир иш сифати деб аталган нарса учун фахрланиш туйғусини ҳам намоён қилади. У кўнгилдагидек меҳнат қилмаслиги мумкин эмас. Кўнгилдагидек меҳнат қилмаслик ишчининг иззат-нафсига номуносиб бўлур эди.

Бизнинг давримизда, фан-техника жуда тез тараққий этган, меҳнат характерида жуда катта ўзгаришлар рўй берган даврда сифат проблемаси кўп жиҳатдан ҳам маҳорат проблемаси, ҳам профессионал малака проблемаси, ҳам ҳар бир ходимнинг виждони проблемаси бўлиб қолаётир. деб айтсам менинг бу фикримга қўшилсангиз керак.

Шу тантанали кунда Тула ишчиларининг шонли анъаналарини муносиб давом эттираётган, ишчи сифатидаги ўз бурчига онгли, масъулиятли муносабат намуналарини кўрсатаётган кишилар тўғрисида эзгу гапларни айтиб ўтмай иложи йўқ. Тулада донги кетган Шишковлар, Ильинлар. Тихоновлар ишчи сулолалари зўр иззат-ҳурматга сазовор бўлдилар. Энг яхши сулолалар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари лекалчи слесарлар бригадирлари Леонид Александрович Гришин ва Геннадий Александрович Пушкинлар бор. Булар орасида КПСС XXV съездининг делегати катта агломератчи Иван Михайлович Борисов, шлифовкачилардан — КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Алевтина Степановна Серова ва СССР Олий Советининг депутати Александр Иванович Чекулаевлар бор. Монтажчилар бригадири. РСФСР Олий Советининг депутати Валентина Александровна Касимова ва бошқа кўп ўртоқлар шуларга жумласидандир.

Бизнинг мамлакатимизда намуна кўрсатиб. олга бориш йўлини нурафшон қилаётган бундай кишилар юз мингларчадир. Шундай бўлиши ҳам керак. Бизда совет халқи яшаб турар экан, мамлакатни Коммунистлар партияси олга бошлаб бораётган экан, ўлмас коммунистик ишимизга фидокорона содиқ бўлган оташин қалбли кишилар ҳамиша намоён бўлаверади. Уларга шон-шарафлар бўлсин!

Шу кунларда миллионларча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини гоят баланд руҳ билан кутиб олганлиги хусусида мамлакатнинг ҳамма жойларидан хабарлар келиб турибди. Ҳамма жойда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун оширилган мажбуриятлар олинмоқда. Тула партия ташкилоти, шаҳрингизнинг барча меҳнаткашлари ҳам Совет ҳокиятининг юбилейини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

Марказий Комитет энг муҳим умумдавлат масалалари хусусида партия билан, халқ билан маслаҳатлашиб олиш ленинча анъаналарига амал қилиб, яқинда Совет Иттифоқи колхозчиларига, совхоз ишчиларига, механизаторларига, олимларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, моддий-техника воситаларини қишлоққа етказиб берувчи саноат ходимларига, барча меҳнаткашларига мактуб билан мурожаат қилди. Бу ҳужжатда қишлоқ хўжалигининг энг муҳим проблемалари таърифлаб берилган ва қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг конкрет программаси илгари сурилган. Халқ Марказий Комитет мактубини қандай кутиб олганлигига қараб фикр юритганда. коммунистлар, барча меҳнаткашлар ўзларининг бутун куч-ғайратларини мўл ҳосил учун, чорвачиликни янада юксалтириш учун курашга сарф қилишга қатъий қарор қилганликлари аён бўлиб қолади. Бу бизни қувонтиради. Бу эса қишлоқ хўжалик ходимлари юбилей йилида экономиканинг ана шу ҳаётий муҳим соҳасини ривожлантиришда янги марраларни эгаллаб олишларига ишонч бахш этади.

Ўртоқлар! Ҳозир ички проблемалар ва вазифаларнинг ҳамма жиҳатларига тўхталиб ўтиш зарурати йўқ, деб ўйлайман. Бу проблемалар ва вазифалар КПСС XXV съездида аниқ таърифлаб берилди. Улар Марказий Комитетнинг ўтган йил октябрь Пленумида батафсил муҳокама қилинди. Пленум совет кишиси ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари тўғрисида гамхўрлик қилиш партия сиёсатининг диққат марказида турганлигини яна бир марта таъкидлади. Халқнинг турмуш даражасини муттасил юксалтириш барча планларимизнинг — яқин даврга мўлжалланган планларимизнинг ҳам. олис истиқболга мўлжалланган планларимизнинг ҳам асосий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Бу соҳада катта ва мураккаб масалалар кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам биз хоҳлаган суръатлар билан ҳал этилиб, деб бўлмайди. Сизларга маълумки, ўтган беш йилликда, хусусан 1972 ва 1975 йилларда об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги учун жуда ҳам ноқулай келди. Бу ҳол аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга таъсир кўрсатмай қола олмади. Партия бу қийинчиликларни кўриб турибди ва уларни бартараф қилмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрмоқда.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети бир қанча йирик тадбирлар белгилаб чиққанлигини таъкидлаб ўтишни истайман. Бу тадбирлар чорвачиликдаги аҳволни яхшилашга қаратилган. Бу тадбирлар ҳозир амалга оширилмоқда. Мол озуқаси ўтган йилдагига нисбатан анча кўп тайёрланди. Чўчқачилик ва паррандачилик жадал ривожлантирилмоқда. Чорва моллар сонини кўпайтириш ва уларни тез боқиб семиртиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилаш учун шарт-шароит вужудга келтирилади.

Ўртоқлар, умуман олганда ўнинчи беш йиллик халқ фаровонлигини юксалтиришда олга қараб катта қадам қўйилишидан далолат беради. Қуйидагиларни айтиб ўтиш кифоя: ўтган йилнинг ўзидагина қарийб 11 миллион кишининг уй-жой шароити яхшиланди. Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи эндиликда 151 сўмдан ортиқдир. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти бир йил ичида 4,6 процент ортди.

Яқинда маориф, соғлиқни сақлаш, маданият. савдо, маиший хизмат ва коммунал хизмати ходимларидан 31 миллион кишининг ставка ва окладларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу — янги йилга чакки тухфа бўлмаса керак. Бу ўринда «тухфа» сўзи унча ҳам жоиз бўлмаса керак. Иш ҳақини ошириш — ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсишининг қонуниятли натижасидир. Бунда ўзаро боғланиш борлигини кўриб турибмиз: бизнинг ишимиз нечоғли самарали бўлса, давлатимизнинг имкониятлари ҳам шу қадар кўп бўлади. Ҳар бир киши бундан тўғри хулоса чиқариб олишига аминман: яхши яшамоқ учун, кўпроқ ишлаб топиш учун яхши ишлаш керак. Бу — қадимий, лекин эскирмайдиган ҳақиқат.

Мен сизларнинг ҳузурингизга келиш учун тайёрланганимда тулаликлар қандай яшаётганликлари билан, шаҳар қандай ривожланаётганлиги билан атайлаб қизиқдим. Менга Тулада ҳар йили янги шинам уйлар қурилаётганлиги, мактабларда ва болалар боғчаларида ўринлар сони ортиб бораётганлиги, янги касалхона ва поликлиникалар очилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришди.

Сиз булар етишмайди, деб айтишингизни биламан. Сиз кўпроқ квартира, кўпроқ болалар муассасалари бўлиши керак. магазинларда моллар кўп бўлиши керак, деб айтарсиз.

Сизлар бунга ҳақлисиз. Бизнинг эҳтиёж ва талабларимиз имкониятларимиздан ўзиб кетмоқда. Аммо биз бир жойда тўхтаб турганимиз йўқ, балки олга бормоқдамиз. Бир неча рақами таққослаб кўрайлик. Саккизинчи беш йилликда Тулани ривожлантириш учун 474 миллион сўм, тўққизинчи беш йилликда 718 миллион сўм сарф қилинган бўлса, ўнинчи беш йилликда 903 миллион сўм сарфлаш планлаштирилди. Кейинги ўн йил ичида 2 миллион 280 минг квадрат метрли уй-жой фойдаланиш учун топширилди, яъни аслини олганда иккинчи Тула барпо этилди. Шаҳарда жуда кўркам театр, цирк, бадиий музей бинолари, спорт комплекси, кўпдан-кўп янги мактаб, болалар боғчалари ва яслилари ишга туширилди.

Меҳнаткашлар турмушини янада яхшилаш йўли мутлақо равшанлигини кўриб турибсизлар. Уй-жой қурилишига, маориф ва соғлиқни сақлашга, маиший ва коммунал эҳтиёжларга қилинаётган харажатлар муттасил ошиб бормоқда. Бу гап Тулагагина тааллуқли эмас. Бу умуман мамлакатга ҳам тааллуқлидир. Бизнинг жамики ишларимиз ва фикризикримиз социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга қаратилган.

Улуғ халқимиз ҳамма жойда тинч бунёдкорлик меҳнатига берилган, кўлами кенг ва тарихан муҳим иш билан машғул. Бинобарин, у уруш хавфи, гарданига оғир юк бўлиб тушишини истамайди. XXV съезд партия Марказий Комитетига мустаҳкам тинчлик учун курашдаги куч-ғайратларни узлуксиз кўпайтиришни топширди. Биз ҳам худди шундай қилаяпмиз, бу йўлда қатъият ва изчиллик билан иш кўраяпмиз.

Совет кишилари партиянинг ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар. Бу сиёсат совет Ватанини урушдан омон сақлаб келаётганлигини, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун катта имконият очиб бераётганлигини, бутун ер куррасида социал тараққиёт ишига хизмат қилаётганлигини совет кишилари билишади. Улар кўпдан-кўп митинг ва йиғилишларда, КПСС Марказий Комитетига, газеталарнинг редакцияларига, радио ва телевиденияга юбораётган минг-минглаб хатларида тинчлик учун тинимсиз олиб борилаётган кураш Марказий Комитетнинг, унинг Сиёсий бюросининг, ҳукуматнинг хизмати, деб таъкидланмоқда.

Инсоният олдида ҳеч бир мамлакат Совет Иттифоқи қилганидек янги уруш хавфини камайтириш, сўнгра эса батамом йўқотишга қаратилган шу қадар кенг, конкрет ва реалистик программа билан майдонга чиқмаган.

Бу программа халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисидаги жаҳон шартномаси сингари оламшумул тадбирни ўз ичига олади. Бу программа қуролланиш пойгаси билан боғлиқ бўлган ҳамма асосий проблемаларни қамраб олган, бу пойгани жиловлаш, қуролсизланиш йўлидаги таъсирчан чораларни белгилаган.

(Давоми иккинчи бетда).

# ТУЛА ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

(Боши биринчи бетда).

Бу программа оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва янги системалари пайдо бўлишига йўл қўймасликка, ядро синовларини батамом тақиқлашга қаратилган. Совет Иттифоқи АҚШга сув ости кемаларининг ва стратегик вазифаларни бажарувчи бомбардимончи самолётларнинг янги типларини яратишдан ўзаро асосда воз кечишни таклиф қилди.

Бизнинг барча тинчликсеварлик ташаббусларимиз қардош социалистик давлатларнинг халқаро майдондаги муштарак йўлига мос келади. Биз шу ташаббусларнинг рўёбга чиқарилиши учун биргаликда курашяпмиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўнлаб давлатлар, ҳамма қитъалардаги халқ оммаси Совет Иттифоқи ва унинг дўстлари таклифларини қўллаб-қувватламоқда.

Варшава Шартномаси Сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ўртага ташланган муҳим таклифлар социалистик давлатлар—Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР, Чехословакиянинг мудофаа иттифоқига хос бўлган тинчликсеварликнинг янги яққол исботи бўлди. Бунда гап Умумевропа кенгашининг барча қатнашчилари ўз зиммаларига ядро қуролини бирбирларига қарши биринчи бўлиб ишлатмаслик ва Варшава Шартномаси аъзолари билан НАТО аъзоларини кўпайтирмаслик мажбуриятини олишлари тўғрисида бораётир.

Биз шунга қатъий аминмизки, Ленин партияси, Совет давлати қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган олижаноб тинчлиқ ғоялари пировард натижада юзага чиқарилади.

Аммо бунга курашдагина, айни курашдагина эришиш мумкин, ўртоқлар. Чунки бизнинг конструктив таклифларимиз кўпинча яширин қаршиликка дуч келмоқда, баъзан эса унга ошкора қарши ҳаракат ҳам қилинмоқда.

Масалан, Варшава Шартномасининг қатнашчилари ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик масаласини ўртага қўйганларида НАТО тахминан: йўқ, бу тўғри келмайди, биз Совет Иттифоқига ядро қуролини ишлатиш билан хавф солиб қолишимиз керак, деган маънода жавоб берди. Бироқ биз давлатларнинг сиёсатини пировард натижада белгилаб берадиган кишилар бизнинг таклифимизга оқилона назар билан қарайдилар, деб умид қиламиз.

Яна бир мисол. Марказий Европадаги қўшинларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокараларда бизга, аслида, сиз кўпроқ қисқартиринг, биз камроқ қисқартирамиз, демоқдалар. Бундай позиция музокараларни олга силжита олмайди, албатта.

Ана шуларнинг ҳаммасида империализм энг агрессив кучларининг, ҳарбий ва ҳарбий-саноат доираларининг, антисоветизм ботқоғига ботган сиёсатчиларнинг, ғарбдагиларнинг ўз тили билан айтганда, «қузғунлар»нинг тазйиқи сезилиб турибди. Айни ўшаларнинг буюртмасига мувофиқ разведка органлари, штаблари ва турли маҳкамалар тўқиб чиқараётган қаппайган докладлар ва рисолаларда Совет Иттифоқининг сиёсати, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун кўраётган тадбирлари бузиб, қинғир-қийшиқ талқин этилмоқда. Бу ёлғон хабарни эса телеграф агентликлари, матбуот, радио ва телевидение бутун дунёга худди команда берилгандек тарқатиш билан шуғулланмоқда.

Очиғини айтганда, бу шовқин-суронлар меъдага тегди. Ғарбдаги жиддий сиёсатчилар ҳам, ўзларидан «совет агрессияси» хавфи бор, деган гаплардан хавотир олаяпсизми, деган саволга «йўқ» деб дадил жавоб бермоқдалар.

Ўртоқлар, биз мудофаамизни такомиллаштираяпмиз, албатта. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз ўз мамлакатимизнинг хавфсизлиги, иттифоқчиларимизнинг хавфсизлиги баҳридан ҳеч қачон ўтган эмасмиз ва ўтмаймиз ҳам.

Бироқ, гўё Совет Иттифоқи мудофаа учун етарли бўлганидан ҳам илгарилаб кетмоқда, гўё у «биринчи зарба» уриш мақсадида қурол-яроғларда устунликка интилмоқда, деган даъволар беҳуда, мутлақо асоссиз даъволардир. Яқинда Америка савдо-саноат доираларининг таниқли намояндалари билан учрашувда айтган гапимни яна таъкидлаб ўтмоқчиман: Совет Иттифоқи ҳамиша бундай қабилдаги концепцияларнинг эътиқодли душмани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бизнинг куч-ғайратимиз ҳам ишнинг на биринчи, на иккинчи зарбага бориб тақалмаслигига, умуман ядро уруши бўлмаслигига қаратилган. Бизнинг бу масалалар хусусидаги нуқтаи-назаримизни шундай таърифласа бўлади: Совет Иттифоқининг мудофаа потенциали бизнинг тинч ҳаётимизни бузишга ҳеч ким журъат қила олмаслиги учун етарли бўлиши лозим. Бизнинг сиёсатимиз қурол-яроғларда устунликка эришиш йўли эмас, балки қурол-яроғларни қисқартириш, ҳарбий муҳолифликни бўшаштириш йўлидир.

Партия ва бутун халқ номидан айтаманки, бизнинг мамлакатимиз ҳеч қачон агрессия йўлига ўтмайди, ҳеч қачон бошқа халқларга қарши қилич кўтармайди.

Қурол-яроғ, аввало, ядро қуроли пойгасини биз эмас, балки Ғарбдаги муайян кучлар тобора зўр бериб авж олдирмоқдалар. Биз эмас, балки ана шу кучлар юз милларидаги ҳарбий тайёргарликларнинг тубсиз жаҳаннамига ташлаб, ҳарбий бюджетларни қаппайтириш ташаббускорлари бўлмоқдалар. Айни ўша кучлар «совет хавфи» бор, деган ёлғон баҳонани важ қилиб, замонамиздаги халқаро сиёсатда агрессив йўлнинг намояндалари бўлиб туришибди.

Агар шу йўлга муносиб зарба берилмаса, уруш хавфи яна кучая беради. Бу йўл Шарқ халқлари учун ҳам, Ғарб халқлари учун ҳам баб-баравар хатарлидир. Совет Иттифоқи бу йўлга бутун чоралар билан қарши ҳаракат қила беради, унинг хатарли моҳиятини фош эта беради.

Кейинги йиллар тажрибасидан биз биламизки, капиталистик давлатларнинг сиёсатини бошқа кучлар, ўт билан ўйнашиш хавфли эканлигини англайдиган ва ҳозирги дунё реалликлари билан ҳисоблаша оладиган кучлар ҳам белгилаши мумкин. Кўпинча ички вазият тақозоси билан бўладиган ҳамма иккиланишлар ва гапбозлик майилларига қарамай, оқилона ақл-идроқ, жаҳон сиёсати проблемаларига сергак ёндошиш уларда устун бўлади, деб умид қиламиз.

Зотан, айни шу туфайли ўз вақтида СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларда бурилиш ясаш мумкин бўлди. ГФР билан маълум шартномалар, Ғарбий Берлинга доир тўрт томонлама битим, Совет Иттифоқининг АҚШ билан, бошқа капиталистик мамлакатлар билан муҳим битимлари тузилди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Бошқача қилиб айтганда, — кескинликни юмшатиш иши олга силжиди.

Кескинликни юмшатишнинг ўзи нима? Биз бу тушунчани қай маънода англаймиз? Кескинликни юмшатиш—аввало, «совуқ уруш»га барҳам бериш, давлатлар ўртасида нормал, тўғри муносабатларга ўтиш демакдир. Кескинликни юмшатиш — ихтилофлар ва низолари куч ёрдамида эмас, дўқ-пўписа ва қурол ўқталиш йўли билан эмас, балки тинч воситалар билан, музокаралар столи атрофида ҳал этишга тайёр бўлиб туриш демакдир. Кескинликни юмшатиш — муайян ишонч ва бир-бирининг қонуний манфаатлари билан ҳисоблаша билиш демакдир.

Қисқа вақт ичида халқаро муомала муҳитини сезиларли равишда ўзгартириш мумкинлигини турмуш кўрсатди. Мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда алоқалар кенгайди. Энг муҳими эса, ўртоқлар, янги катта уруш хавфи орқага сурилди. Одамлар эркинроқ нафас ола бошладилар, келажакка кўпроқ умид билан қарай бошладилар.

Бу — кескинлик юмшатилганлигининг шарофати бўлди, унинг нақд самаралари бўлди.

«Совуқ уруш»нинг ҳозирги саркардалари бунга нимани қарама-қарши қилиб қўя оладилар? Солиқларнинг ва ҳарбий ҳаражатларнинг кўпайишини, аҳолининг социал эҳтиёжларига ажратиладиган маблағларни янада камайтиришними? Одамларни оммавий қирғин қиладиган воситаларни кучайтиришними? Ҳарбий васвасани ва келажакдан қўрқишни авж олдиришними? Халқлар буни қабул қилмайдилар. Зиноҳор қабул қилмайдилар!

Халқаро кескинликни юмшатишга эришгунча жуда кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келганлигини ҳаммамиз биламиз. Кескинликни юмшатиш соҳасида тўпланган сиёсий капитални сақлаб қолиш ҳам осон эмас. Бироқ ҳеч қандай қийинчиликлар ва тўсиқлар бизни чекинишга мажбур қила олмайди. Тинчликни мустаҳкам, бузилмас омилга айлантиришдан ҳам заруррроқ ва ҳаётий муҳимроқ вазифа йўқ.

Миллион-миллион кишилар олдидаги ўз масъулиятини, миллатларнинг тақдири учун бўлган масъулиятни тушунувчи давлат арбоблари халқларнинг тинчликка бўлган ҳоҳиш — иродаси билан ҳисоблашишга мажбурдирлар. Совет Иттифоқига келганда, ҳеч бир иш бизга маҳтал бўлиб қолмайди.

Биз Қўшма Штатларнинг янги маъмурияти билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги катта силжиш қилишга тайёрмиз.

Аввало, 1974 йил охирларидаёқ Владивостокда аҳдлашиб олинган асосда стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги битимни тайёрлаш ишини яқин вақт ичида тугаллаш лозимлигига ишончимиз комил. Ҳозир Вашингтондаги айрим сиёсатчилар бу битим шу пайтгача ҳам имзоланмай қолганлиги хусусида таассуф билдирмоқдалар. Аммо, таассуф ўз йўлига, бой берилган вақтни қайтариб бўлмайди, шу сабабли бундан амалий хулосалар чиқариб олиш муҳимдир.

Бундай хулоса чиқариб олинмаса, иш қай зайлда давом этади, деган савол АҚШда ҳам берилмоқда. Яқинда Американинг мўътабар газеталаридан бири бундай деб ёзади: Бу ҳолда «Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар ядро қуролларининг янги турқумларини яратишга киришадилар, бу қуролни контроль қилишнинг мутлақо иложи бўлмай қолади».

Бундай истиқбол бизга мақбул эмас. Такрор айтаман, вақт ғанимат, битим тузишни пайсалга солиб бўлмайди.

Ўз-ўзидан равшанки, Совет Иттифоқи стратегик қурол-яроғларни чеклаш масалаларида янада олга боришга тайёр. Бунинг учун аввал ҳозиргача эришилган натижаларни мустаҳкамлаб олиш, Владивостокдаги аҳдномаларни рўёбга чиқариш керак бўлади, бунинг устига мувақкат битим муддати шу йил октябрда тугайди. Сўнгра бундан ҳам каттароқ тадбирлар тўғрисидаги музокараларга дарҳол ўтиш мумкин бўлади. Акс ҳолда ҳозир муҳокама этилаётган масалалар ёнига ўз-ўзидан янги масалалар қўшилиб, вазифанинг умуман ҳал этилиши баттар чигаллашиб ва чўзилиб кетиши мумкин.

Ядро қуроли тарқатилишига тузукроқ тўсқинлик қилиш, уни тарқатмаслиги маълум шартнома орқали белгиланган, режимни янада кучайтирадиган, ядро қуролини ишлатишга ва ишлатишга таҳдид солишга ҳеч ким ҳақ эмаслиги ҳақидаги ҳужжатнинг ҳаммасини ўз ичига олиши лозим. Ҳозир Вашингтондаги ва Москвадаги ҳамкасбларимиз ушбу масалалар ҳақида ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлини топишда томонларга ёрдам бериш учун кўп иш қилиши мумкин.

Бизнинг бир қанча йирик халқаро масалалар хусусидаги позициямиз ана шундай.

Мамлакатимиз янги, 1977 йилга ана шундай ниятлар билан қадам қўйди. Совет Иттифоқи халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида, давлатлар ўртасидаги тинч ҳамкорликни ривожлантиришда бу йил бултурги йилдан кўра яхши натижалар берадиган бўлишига ишонтиради. Биз ўзимизнинг конструктив ҳиссамизни қўшамиз ва биз мурожаат қилаётган ҳамма давлатлардан ҳам шуни кутишга ҳақлимиз.

Ўртоқлар! Сўзимнинг охирида сизларнинг эътиборингизни навбатдаги ишларга яна жалб этиб ўтмоқчиман. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили бошланмоқда. Бинобарин, йилнинг энг бошиданоқ, шу январь кунлариданоқ ҳам шаҳардаги, ҳам қишлоқдаги барча меҳнат коллективлари бир маромда, тўла самарадорлик билан ишлашлари жуда муҳим, бениҳоя муҳимдир.

Давлат планини, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини сўзсиз бажариш, социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг шон-шараф ишидир. Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати бу ердагилар, Туладагилар ана шундай ва фақат шундай ишлашларига аминдирлар.

Ўртоқлар! Тула байроғини Ленин ордени ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери безаб турибди. Энди менга сизларнинг байроғингизга қаҳрамонлик, матонат ва мардлик рамзи, Тула ҳимоячиларининг буюк жасоратининг умумхалқ эътирофи рамзи бўлган Олтин Юлдузни тақиб қўйишдек фахрли ва ёқимли вазифа топширилган.

СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан, Тулага «Қаҳрамон шаҳар» унвонини бериш тўғрисидаги фармонни ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсизлар.

**(Ўртоқ Л. И. Брежнев мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Тулага «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвонини бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб беради.**

**Леонид Ильич «Олтин Юлдуз» медалини шаҳар байроғига қадаб қўйганида яна гулдурос қарсаклар бошланади.**

**У Тула областининг раҳбарларини, меҳнаткашлар вакилларини, уруш ветеранларини самимий табриклади. Залда ҳозир бўлган кишилар «Коммунистик партияга — шон-шарафлар!», «Ленинчи Марказий Комитетга — шон-шарафлар!» деган хитоб сўзларини қайта-қайта такрорлайдилар, қудратли «Ура!» садолари янграйди.**

Азиз дўстлар! Сизларнинг рухингиз ва ҳаётингизнинг ҳаммасини ўз ичига олган ва ҳаётимизнинг ҳаммасини ўз ичига олган ва ҳаётимизнинг ҳаммасини ўз ичига олган ва ҳаётим

# ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиумининг 1976 йил 25 декабрдаги Фармонига мувофиқ Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари, 1976 йилда пахта, ғалла, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда кўрсатган шавкатли меҳнатлари учун Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги илғорларидан катта группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БУЙИЧА:

### II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Баратов** Юсуфали—Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи чўпони.

**Зекиряев** Энвер — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми трактарчиси.

**Қаюмова** Мухтабар — Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз аъзоси.

**Коробов** Гаврил Максимович — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз тракторчиси.

**Турғунбоева** Муҳтарам — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

**Убайдуллаев** Пейсенбой — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз тракторчиси.

**Эгамбердиева** Равшан — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

### III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдиева** Ханифа — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

**Абдуғаниева** Ўринжон — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози сут соғувчиси.

**Абдуғаниева** Ҳалима — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

**Абдуллаев** Файзулла — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз тракторчиси.

**Абдуллаева** Ҳайри—Тошкент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

**Абдуназаров** Тўраназар — Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

**Абдурасулов** Тўғон Жўраевич — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози тракторчиси.

**Абдурахмонов** Абдулла — Г. С. Зайцев номидаги пахтачилик селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтининг Оржоникидзе районидаги экспериментал хўжалиги тракторчиси.

**Абдурахмонов** Бегали — Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз ишчиси.

**Абдурахмонова** Карима — Тошкент районидаги сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ишчиси.

**Абдурахмонова** Кумуш — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози аъзоси.

**Абдурахмонова** Муборак — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

**Абельдяева** Татьяна Николаевна — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ишчиси.

**Абилхаиров** Бектурган Хажанович — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

**Абхапрова** Покиза — Чиноз районидаги «Олмазор» совхози ишчиси.

**Авезова** Сора — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

**Аверкова** Мария Ивановна — Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози ишчиси.

**Оғабекова** Сидана — Бўстонлиқ районидаги Тошкент уруғчилик-пиллачилик совхози ишчиси.

**Адашев** Алимбой — Оқ-қўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

**Азизов** Ҳафиз — Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз тракторчиси.

**Азимова** Фарогат —Тошкент районидаги Абдурахмонов номли совхоз ишчиси.

**Ойнақулов** Маматқул — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

**Айтбоева** Алима — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

**Акромова** Ғулбу —Юқори Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз суғувчиси.

**Аловуддинова** Лутфия — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

**Алибоев** Бўрибой — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози бригада бошлиғи.

**Алиев** Испанди — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози бригада бошлиғи.

**Алиев** Ўрозимбет — Тошкент районидаги «Тошкент» совхози бригада бошлиғи.

**Алиева** Мунира — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

**Алиева** Раима — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув хўжалиги ишчиси.

**Алимбоева** Зарбуви —Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

**Алимжонов** Жалил — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози бригада бошлиғи.

**Алимов** Ғофуржон —Тошкент районидаги «Ленинград» совхози бригада бошлиғи.

**Алимов** Тўхтабой — Оқ-қўрғон районидаги Навоий номли колхоз сувчиси.

**Алимов** Хусан — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози бригада бошлиғи.

**Алихонова** Гуланда — Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз катта чўпони.

**Оллоёров** Маҳмуджон — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг катта сувчиси.

**Олтоев** Тошкенбой — Чиноз районидаги Жамбул номли совхоз бригада бошлиғи.

**Олтинбеков** Собир — Калинин районидаги «Москва» совхози тракторчиси.

**Омонтоева** Насиба —Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

**Омилбоев** Қўчқор — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози тракторчиси.

**Аминов** Давронбек — Бўка районидаги «Бўка» совхози бригада бошлиғи.

**Ан** Андрей Иванович — Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

**Анорқулов** Ҳасан —Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози бригада бошлиғи.

**Анорқулова** Тўрапошша—Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

**Арақулова** Насибали — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

**Орипов** Ёқуб — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози бригада бошлиғи.

**Орипова** Улжаной — Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз аъзоси.

**Арслонов** Турсун — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози звено бошлиғи.

**Ортиққулова** Ўрингул — Оҳангарон районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

**Асаба** Куртумер — Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги бригада бошлиғи.

**Асангельдиева** Масура Мулюковна — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг механик ҳайдовчиси.

**Асилова** Турган — Оржоникидзе районидаги «Тошкент» паррандачилик фабрикаси паррандабоқари.

**Асқарова** Вазифа — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

**Асланов** Хабил — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиғи.

**Асраев** Туроб — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз звено бошлиғи.

**Аҳмедов** Турдибой — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози аъзоси.

**Аҳмедова** Карима — Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

**Аҳмедова** Ҳалима — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

**Ашуралиева** Тожи —Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

**Ашурбоева** Нури — Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи соғувчиси.

**Ашурова** Санам — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз аъзоси.

**Бадиева** Турсуной — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз пиллачиси.

**Бойқобилов** Жарилқас — Қуйи Чирчиқ районидаги Волков номли совхоз ишчиси.

**Болтибоев** Раҳмат — Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

**Бахтина** Раиса Степановна — «Ўзбекбирлашув»нинг Оҳангарон ҳайвончилик хўжалиги ишчиси.

**Беквиноль** Роза Робертовна —Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози соғувчиси.

**Бекенова** Рисли — Бекобод районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

**Бекмуродова** Тўхта — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози соғувчиси.

**Беков** Абжаббор — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз сувчиси.

**Бектоев** Тўрабек — Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхози бригада бошлиғи.

**Белгибоев** Қаҳқорбек — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз бригада бошлиғи.

**Белих** Евгения Николаевна — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози ишчиси.

**Бердиева** Умри — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

**Беседин** Юрий Николаевич — Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг тракторчиси.

**Билболаева** Маърифат — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

**Биқўзиев** Раимберди — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

**Биналиев** Сўмали — Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхоз-заводи тракторчиси.

**Богданов** Борис Павлович — «Ўзсельхозтехника» Юқори Чирчиқ район бирлашмаси слесари.

**Болтаева** Пошша — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози соғувчиси.

**Ботирова** Гулсара — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

**Бубоев** Умар — Юқори Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз тракторчиси.

**Бузруков** Адаш — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхози ишчиси.

**Бухорова** Тажен — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

**Ванюшин** Виктор Степанович — Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи комбайнчиси.

**Ғозиев** Наимжон — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

**Ғаффорова** Муҳаббат — Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози бригада бошлиғи.

**Ғофуров** Мурод — Калинин районидаги Гагарин номли совхоз сувчиси.

**Ғофурова** Раҳима — Оржоникидзе районидаги Тошкент паррандачилик фабрикаси паррандабоқари.

**Ғиёсова** Саломат — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

**Горюнова** Альбина Николаевна — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози чўчқабоқари.

**Ғуломова** Салима — Оққўрғон районидаги «Озод» колхози аъзоси.

**Ғуломов** Собир — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози бригада бошлиғи.

**Гурьянов** Иван Александрович — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози тракторчиси.

**Далабоев** Маҳамадхон — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз трактарчиси.

**Доннёрова** Олтинсоч —Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

**Даубоева** Ўлмас — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

**Жабборова** Ҳукум— Тошкент районидаги колхозлараро бўрдоқичилик базаси молбоқари.

**Жиянбоев** Алибой — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи.

**Жумабекова** Улбан —Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзоси.

**Жунусов** Жаҳон — Бўстонлиқ райони суғориш тармоқлари бошқармасининг мироби.

**Жўрабоев** Йўлдош — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози бригада бошлиғи.

**Жўрабеков** Мамат — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози тракторчиси.

**Жўраев** Ашир — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози чўпони.

**Жўраев** Қовунбой —Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

**Жўраев** Сулаймон — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози звено бошлиғи.

**Жўраева** Умия — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

**Дрюнина** Надежда Фёдоровна — Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхоз—завод ишчиси.

**Дуйсенова** Тошбуви — Оржоникидзе районидаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти марказий экспериментал базаси ишчиси.

**Дўсматов** Маннон —Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

**Дюгай** Владимир Константинович — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхози бригада бошлиғи.

**Есенқулова** Мерует — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

**Жакаев** Маркабой — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз бригада бошлиғи.

**Жалилов** Шарофиддин — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзоси.

**Жонқўзиева** Улбола —Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз катта чўпони.

**Жулиева** Ҳурбуви — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

**Жуманова** Зеби — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

**Жумасаев** Илёс — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз тракторчиси.

**Жўраев** Аҳмадали — Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи.

**Жўраев** Сайидвали — Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхози бригада бошлиғи.

